

Тазкия 196-дарс. Ғазаб қилманг!

ТАЗКИЯ
196-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 13.08.2022 3379

Ғазабни ютиш фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бунга ҳар қандай одам ҳам қодир бўла олмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ғазабни ютувчиларни мадҳ қилиб:

سَأَنلَا نَعْنِي فَاغْلَاوْ طِيْعَلَا نِي مَظَاكَلَاوْ ءَارْضَلَاوْ ءَارْسَلَا يَفَنُوقِنِي نِي دَلَا
نِي نَسْحُ مَلَا بَحِيْهُ لَلَاوْ

«Улар энгилликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафақа қиладиганлар, аччиғини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир», дея марҳамат қилган (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан ҳисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин тақводор киши бу оғир ишни эплаши мумкин. Яъни, қалбида тақводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазабдан ғолиб чиқа олади.

Кўпчилик англаб олиши лозим бўлган ҳақиқатлардан бири шуки, бир шахсдан содир бўлган ҳар бир зулмга қарши унга ҳам ўшанча мислда жавоб қайтариш жоиз эмас. Мисол учун, ғийбатнинг жавобига ғийбат қилинмайди. Жосусликка қарши жосуслик қилинмайди. Сўкишга яраша сўкилмайди. Бошқа маънавий маъсиятлар ҳам шу каби. Қасос олиш ёки

Саъид ибн Мусайяб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Ул зот билан бирга саҳобалари ҳам бор эди. Бир киши Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни сўкиб, унга озор берди. Абу Бакр бир оз жим турди. Сўнг иккинчи марта озор берди. Абу Бакр яна жим турди. Сўнгра учинчи марта озор берди. Шунда Абу Бакр ўч ола бошлади. Абу Бакр ўзи учун ўч ола бошлаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кетдилар. Абу Бакр:

«Мендан хафа бўлдингизми, эй Аллоҳнинг Расули?!» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У сенга айтган нарса учун осмондан фаришта тушиб, уни ёлғончига чиқариб турган эди. Сен гапирганигда эса шайтон келди. Шайтон бор мажлисда мен ўтирмайман», дедилар».

Баъзи уламолар: «Ёлғон аралаштирмай, ҳаддан оширмай жавоб берса ҳам бўлади», деганлар.

Бошқа баъзилари: «Сўкаётган одамга «Сен кимсан?», «Сен фалончисан» каби сўзларни айтиб қўйса кифоя қилади», деганлар.

Лекин бу қарши чораларни тарк этиб, сабр қилиб, жавобни тарк этган афзал. Чунки одамларнинг табиати ҳар хил бўлади. Жавоб берилмай турилса, сўкаётган ўзига келиб, узр айтиб қолиши ҳам мумкин. Сўкишга жавоб берилса, орада жанжал чиқиб, адоват кучайиб кетиши шубҳасиз.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди